

“Мехрли юраклар” ёхуд “Орзу бекатлари”

Инсон дунёга келар экан, митти кўзчалари билан энг аввало онасини кўради. Онасининг меҳр тўла кўзлари билан бутун борлиқни хис қиласди. Она-боланинг бир-бирларига меҳр тўла кўзлари билан боқиб турган манзарасига хеч эътибор берганмисиз? Менимча, дунёда бундан-да гўзалроқ кўриниш бўлмаса керак. Она айтган алла ва эртакларни тинглаб, бола дунёни англай бошлайди. Болаларнинг онги, қалби оппоқ қофозга ўхшайди, унга нимани ёзсангиз, шуни ўрганишади.

Болалигимни хотирлаганимда, онамнинг ҳамиша тандир олдида нон ёпаётганлари ва айниқса айнан менга аatab ёпган ширин кулчалари, қанча уй юмушларидан ортиб, мендан ташқари яна саккиз фарзандларининг ҳар бирларининг ўқишига, тарбиясига алоҳида эътибор бериб, кўзлари чарчоқдан юмилиб кетаётган бўлса-да, менга айтиб берган эртак, афсоналари кўз олдимга келади. Энди билсам дунёдаги энг буюк ёзувчи менинг онажоним бўлган экан. Негаки, менга айтиб берган барча эртаклари ва хикояларини онам ўзлари тўқиб, бадиий ҳақгўйлик билан айтиб берар эканлар. Балки, шу сабаб мен ҳам олти ёшимдан қўлимга қалам олгандирман, ўша беғубор, фақат яхшиликка ундовчи эртаклар сабаб олам –олам орзулар қилгандирман. Бу дунёда орзусиз инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Нафсамбрини айтганда ҳамманинг орзуси яхшиликка йўғирилган бўлади. Фақат ҳасад бандаларигина ёмонликни орзу қиласди. Мен ҳам болалигимдан жуда кўп орзулар қилардим. Ҳар ёшимда орзуларимга орзулар қўшилаверарди. Орзуларим бекатлари кўпайиб бораверар, аммо улар орасида ёзувчи бўлиб, илм ортидан дунё кезиши орзуси менинг бутун борлиғимни эгаллаган эди. Мен бу саёхатларимга “фақат ва фақат илм ортидан эришаман”-дека ҳамиша яхши ният қилардим. Табиийки бу орзуимни эшитган инсонларга бироз эриш туюлар, бундан кулганлар ҳам йўқ эмасди. Болалиқдаги орзуларимдан бири 43 ёшимда рўёбга чиқди. Ва мен шунга амин бўлдимки, инсон яхши ният ва орзулар қилса ва шу орзулари томон ҳалол меҳнат билан изланса, у албатта ушалар экан. Мен бунга ишондим, сиз ҳам ишонинг!

Биламан, аёл кишига осон эмас. Уй юмушлари, фарзандлар тарбияси (бу энг муҳим масала), турмуш ўртоғининг инжиқликларини енгиб яшаш, буларнинг барисига улгуриш осон эмас. Аммо инсон ўзи хоҳласа, бу катта меҳнат талаб қилса-да, ҳар бир юмишга улгуриши мумкин экан.

Китобни дастлабки пайитларда фақат ўзим учун, замонавий тил билан айтганда хобби сифатида ёзардим. Ҳаёт қийинчиликлари бироз синаган чоғларда ўзимни чалғитиши учун қўлимга қалам олардим. Ва бу бориб- бориб озми-кўпми мукаммаллашиб борди. Тўғри, мен малакали ёзувчи эмасман ва ҳеч қачон ёзган китобларим ўзимга ёқмаган. Лекин ўзим ҳам ҳайрон бўламан, қўлимга қалам олишим заҳоти бармоқларим ўзимга бўсунмай ёза бошлайди.

Кунларнинг бирида шундай бўлдики, китоб ёзаётганимни кузатиб ўтирган талабаларимиздан бири “Сиз китоб ёзасизми” дея китобларимдан ўқиши учун сўраб қолди. Мен андек қўрқув ва ҳаяжон билан талабамизга китобларимдан бердим. Орадан бир ҳафтача вакт ўтиб, талабамиз ёнимга кирди. Китоб унга жуда ёққанини айтиб, асар қаҳрамонлари тўғрисида тўлқинланиб гапира кетди. Юрагимдан ўтган ўша кунги ҳис-ҳаяжонни тасвирлаб беролмайман. Ўқувчи китобни қўлига олган чоғи унга маҳкам ёпишиб ичига сингиб кетса –бу ёзувчининг ютуғи эмасми?

Китобларимни ўқиган бошқа устоз-талabalар ҳам яхши фикр-мулоҳазалар билдира бошлагани мени янада илҳомлантириб, бор куч –ғайратим билан ёзишда давом этишга ундар эди. Бу менинг орзу бекатим томон атак-чечак қилиб босган илк қадамларим эди. Кунларнинг бирида яна бир талабамиз ушбу китобларимни аудио тарзда ёзиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштиришни таклиф қилди.



Кенжаева Фарангиза (ТАТУ Фаргона филиали талабаси) мен бу қыз билан узоқ сұхбатлашардим. Фарангиза түртінчи босқыч талабаси эди. У күпинча ишдан қайтаётганимда құлида бир дунё китоблар күтариб шошиб, дарсдан чиқиб келарди ва иккимиз бирга-бирга йүл-йүлакай сұхбатлашиб кетардик. Ҳаётнинг аччиқ синовларини жуда әртә дуч келган ва уларни үз кучи, иродаси ва билими билан енгиб келаётган ёқимтойгина бу қызниң дунё қараши мени лол қолдиради. Сұхбат айланиб бориб барып китобга келиб тақалаверди. Кунларнинг бирида у мени устозининг ёnlарига олиб борди.



Исомидинова Барнохон Анваровна (Үкув марказ директори, Fergana Impact Hub лойихаси кординатори, Technovation Girls халқаро мусобақаси Фаргона водиси кординатори. Хозирда Buuyuk Britaniya Lancaster Universitetining Digital Biznes, Inovatsiya va Manejment факультети магистранти) – бу аёл биринчи марта күрганимдаёқ мулоҳазали, зиёли ва оилапарвар эканлигини билдім. Оила ташвишлари билан үз ишини тенг олиб бориш, бу жуда ҳам катта куч, сабр ва меҳнат талаб этади. Барнохон ана шуларни утталай олган аёллардан бири эди. Юз –күзларидан, үзини тутишидан тарбияли инсон эканлиги шундоққина күриниб турарди. АҚШ әлчихонаси раҳбари 2-котиб Susannah Wood хоним билан учрашув вақтида Барнохоннинг инглиз тилида жуда чиройли гаплашаётганини күриб, түғриси, жуда ҳавасим келган. Илм инсонни нақадар чиройли күрсатади. Үнга на бойлик, на мансаб керак. Илм мамлакати фуқаролари ҳамиша камтар юрадилар, ҳеч қаочон кибрланмайдилар.

Биз Барнохон билан маслаҳатлашиб ва уларнинг ёрдамлари билан биргаликда ижтимой тармоқларда каналлар очдик. Түғриси, сұхандонларга жуда қийин экан. Чунки бир

сўзни хатосиз тўлиқ гапириб беришнинг ўзи бўлмас экан. Овозимни биринчи марта ўзим эшишиб кўрганимда қўрқиб кетдим: “овозимни ҳеч ким эшитмайди чунки жуда хунук”-деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Улар менга “бу овоз билан сиз bemalol радиода ишласангиз бўлади,”-дея кулишди. Қайта –қайта уринишлардан сўнг биринчи хикоямнинг беш дақиқали аудиосини ёзиб каналларимга жойладик. Ордан вақт ўтиб китоб мухлисларидан китобларим ҳақида илиқ-иссиқ эътирофлар кела бошлади . Албатта, бу сабр-тоқат, меҳнат ва кўп ўқишим, ўз устимда кўпроқ ишлашимни талаб этарди. Мен буларни бажаришга ҳаракат қилдим ва бу илм занжири мени орзу bekatlarim томон етаклай бошлади.

17 май 2021 йил.



Шохинахон Баҳромова (БМТД маҳаллий консультант) У “Пойтахтдан келиб сизни ҳаётингиз ва ижодингиз ҳақида хужжатли фильм суратга олишади”- деганида мен бу гапга у даражада эътибор бермадим. Тўғриси, дурустроқ тайёрланмадим ҳам.

Мен Шохинахон билан айнан шу куни танишдим. Қўнғироқ соchlари ўзига жуда ҳам ярашиб турадиган бу қизнинг қалби тоза, беғубор, меҳрибон, истараси жуда ҳам иссиқ, ёқимтой, юз-кўзларидан самимийлиги шундокқина кўриниб туарди. Мен орзу қилганим каби, чет тилларида она тилимиздек чиройли гапириши, унга бўлган ҳавасимни чандон оширади.

Шундай қилиб, фильмни суратга олиш ишлари бошланди. Фильм ижодкорлари орасида малакали оператор, режисиёрлар ҳам бор бўлиб, улар ўз ишларининг ҳақиқий усталари эканлар.



Истеъдод Усмонов (режисёр) -Бу инсон халқимиз севиб томоша қилган бир қанча фильмларни суратга олган маҳоратли оператор, режиссёр. “Соткин” кинофильмини ҳам шу йигит суратга олган.

Қалам аҳлига айнан тоғ-тошлар, тинч ва осуда табиат манзаралари манзур бўлишини яхши ёқишини билган Истеъдод Усмонов нақд бир кун кечгача машинасида эринмай бизни анашундай гўзал табиат қўйнида сайр қилдирди. Ўз ишига жуда ҳам массулият билан ёндашуви ва кичик деталларгача эътибор бериши, меҳнатдан қочмаслиги сабабли, фильм жуда ҳам сифатли суратга олинди десам муболага бўлмас.

Бу инсоннинг сабри ва инсонийлик жиҳатларига тан бермай иложим йўқ. Мен бу инсондан бир умр миннадорман.



Зарнигор Усмонова (фильм ижодкорларидан)- Бу қиз ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Чунки унинг ҳам ташқи, ҳам ички олами жуда гўзал, беғубор бўлиб, мовий кўзлари хуснига яна ҳам хусн қўшиб турар, жуда ҳам тарбияли бўлгани боисидан ҳар бир сўзини босиқлик, вазминлик билан сўзларди. Гўё юрагингиз билан сирлашиб, кўзингиздан ҳаммасини уқиб олаётгандек.

Ўзбек аёллари бир умр оиласи, болам-чақам дея яшаб ўтишини, оиласи сирларни хеч қачон кўчага олиб чиқмаслигини жуда ҳам яхши ҳис этгантушунган Зарнигор ва

Истеъдод мени бир кўришдаёқ қалбим тубига яширган, умрим сўқмоқларида оттирган азобли чандиқларимни кўра олишди. Гарчи фильмда мен улар ҳақида гапиришни истамай бош тортган бўлсам-да, улар буни маҳорат билан нигоҳларим суратларида акс эттира олишди. Буни ўзим ҳам фильмни кўргач билдим.

Гап шундаки, ҳар бир аёлнинг ўз ички олами, ўз дунёси бўлади. Бу оламга киришга ҳар ким ҳам йўл топа олмайди. Зарнигор менинг ўша ички оламимга ўзининг меҳр тўла қалби ила кириб борди. “Бирон ишингни битириш учун бирон киминг бўлиши керак”.

Кўпчилик ва ҳатто шу кунгacha ўзим ҳам шу фикрда эдим. Ахир, мен уларга хеч ким эмасман. Суратга олиб, уйларига жимгина қайтиб кетишса ҳам кифоя эди аслида. Йўқ, уларнинг юракларида меҳр бор эди. Бунчалар бағри кенг бўлиш осон эмас ахир. Иши битгунича сохта мулозамат қиласидиганлар ҳам оз эмас. Аммо бу инсонларнинг биронтасида ҳам мен бу алдамчи мунофиқликни кўрмадим.

2021ийл 17 июнь, Тошкент. Мен пойтахтга фильм премьерасига йўл олдим. Тўғрисини айтсан, Тошкентга бу учинчи марта боришим, поездга эса илк марта чиқишим эди. Кучли ҳаяжон билан поезга чиқарканман, бу мен учун жуда катта янгилик эди ва ўша пайт кимдир “бу-ку поезд экан, яқинда сен самолиётда хорижга сафар қиласан” деса, “устимдан куляпсизми?” деган бўлар эдим балки. Шундай қилиб, орзу занжирим мени пойтахтга келтирди ва у ерда яна бир қанча зиёли инсонлар билан танишдим. Улар орасида яна бир инсон менинг алоҳида эътиборимни тортди.



Нодирахон Мухаммадкулова (Фарғона водийси ёшларининг ижтимоий уйғунлиги кўшма дастури рахбари) - ҳақиқий ўзек аёлларида бор бўлиши керак бўлган барча жиҳатлар мужассам бўлган бу аёл ҳар томонлама мукаммал эди, десам муболағага йўйманг. Аёл киши “ожиза” дейшади бу тўғри, аммо бу унинг кучсиз, хеч бир ишни эплолмаслиги важидан айтилмаган. Кўхна манбаларда бир аёлни бир мадрасага тенглаштирилган экан. Чунки она саводли бўлса, ҳамма фарзандлари саводли бўларкан. Ота саводли бўлса, фарзандлари орасидан биригина саводли чиқар экан. Мен бунга Нодирахонни кўрганимда яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Зиёли аёл, меҳрибон она- назаримда бу икки сўз Нодирахон ҳақидаги барча таърифни бера олади.

Нодирахон фильм намойишидан сўнг сўз олар экан, меҳр тўла кўзлари билан “мен сизга истаган хориж давлатингизга бориб дам олиб келишингиз учун билет совға қиласман” деганида қулоқларим чирт беркилиб, юрак уришим тезлашиб кетди. Кўзларимга тўлган қувонч ёшларини қайтаришга уриндим, аммо уддалолмадим. Жуда кучли ҳаяжонланганимдан ўрнимдан туриб рахмат айтиш ҳам ҳаёлимдан кўтарилди. Шунда ўзлари ёнимга келиб, мени табриклаб бағриларига босди. Мендан ўтган ўша вақтдаги ҳис-

ҳаяжонни тасвирлаб беролмайман. “Чет элга борарканман”- деб ҳаяжонланмадим албатта, биринчи орзу бекатимга етиб келганимдан, илм ортидан дунё кезиш орзуим ушалганидан, Оллоҳ менинг орзуларимни мана шу инсонлар орқали берәётганидан унсиз йиғладим. Ҳаяжоним зўрлигидан титраб-титраб, тўлиқиб – тўлиқиб йиғладим. Оллоҳим! - Қудратинг олдида бош эгаман, Алҳамдуиллаҳ!

2021йил 15-август. Мендек оддий, ҳаёти фақат биргина чизиқдан яъни ишдан уйга, уйдан ишга бориб келишдангина иборат бўлган аёлни илм ортидан дунё кезиш орзуси ушалган кун. Мен бу кунни бир умр ёдимдан чиқара олмасам керак. Яқинларимдан оқ фотиҳаларини олиб, аэропортга кириб борар эканман, яна бир меҳрибон аёл билан танишиш баҳтига мұяссар бўлдим.



Нора Раҳимова (Ментор, Координатор Тошкент ва Қорақалпоғистон Республикаси) - Улар менинг суғурта қилинган қоғозим билан танишириар эканлар беихтиёр кўзларига боқдим, кўзлар шу қадар самимий эдики! Фарзандини узоқ сафарга кузатаётган онага хеч эътибор берганмисиз? Ҳаяжонланиб, қайғурганидан бир гапни икки-уч марталаб тақрорлайди. Мен ўзимни бамисоли ўз онам билан гаплашаётгандек ҳис қилдим.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти.

Кувонч тўла кўз ёшларим билан ортимга боқарканман, орқамда мени кузатиб турган бир-биридан зиёли инсонларни кўриб юрагим фахрга тўлди ва юрагимни бироз қўрқувга колаётган ҳиссиёт ўрнини ўзимга бўлган ишонч эгаллади.

Рўйхатдан ўтаётганимнинг ўзидаёқ ижод аҳли қавмига ҳамроҳ бўлганим менга яна ҳам куч-қувват бағищлади. Айниқса, улар орасида битта ўзбек қизининг борлиги улар билан сухбатлашишимга, тилларини тушунишимга яна ҳам ёрдам бўлди.



Бу инсонлар Туркиялик машхур кино режисиёрлар Мустафа Гунес ва унинг хамкаслари бўлиб, улар юртимиздан фильм суратга олиб қайтишаётган эканлар. Улар билан сухбатлашиб, вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қолдим. Самолиётга чиқиш вақти бўлди. Учиш у ёқда турсин, ҳатто самолиётни яқиндан ҳам кўрмаган инсон учун бу жуда катта янгилик ва кучли ҳаяжонли онлар эди. Фильм премьерасига пойтахтга поездга кетаётганимдаги ҳаяжон, бу ҳаяжоним олдида ҳеч нима бўлмай қолди. Мени энг ўйлантираётган нарса шу эдики, гарчи мени саёхатга кузатаётган инсонлар қайта-қайта тушунтирган бўлишларига қарамай, “қандай қилиб мен шундай катта Истанбул аэропортидан Озарбайжон- Баку йўналиши бўйича учадиган самолиёт йўлини топиб оламан” деган ўй дилимга бироз қўркув солиб турарди. Буни кўзларимдан туркиялик кинорежисиёрлар сезиб олишди чоғи, “ҳавотирланма, биз сенга йўлни кўрсатиб қўямиз” - дедилар ва мен бундан бироз хотиржам тортдим.

AIRLINTURKISH самолиёти аста жойидан кўзгалиб, мовий само узра кенг қанотларини ёйди ва мени биринчи орзу бекатим томон олиб кетди.

Турк қардошларимизнинг самимилиги ва ўта маданиятли эканликлари борт кузатувчиларининг ўзиданоқ билинди. Жуда хушмуомилалик билан ҳар бир йўловчига хизмат кўрсатишар, саволларига эринмай жавоб қайтаришарди. Уларга қараб жуда ҳавасим келди.

Самолиёт оппоқ булутлар устидан бир текис, худди мағрур бургутдек қанотларини кенг ёйиб учиб борар, бу манзарани кузатиб кўзларимга ишонмай қўлларимни, баъзан юзимни чимчилаб қўярдим “Балки туш кўраётгандирман?”

Самолиёт мовий денгиз устидан пастлай бошлади. Чексиз денгизни кўриб ҳайратим ортгандан ортди. Денгиз шу қадар гўзал эдики! Унда сузиб юрган катта- кичик кемалар кишига яна ҳам завқ бағишлиарди.

Нихоят Самолиёт Истанбул аэропортига келиб қўнди. Ўз манзиллари томон ошиқаётган сайёхларни бағрига олиб учайтган ва аксинча менга ўхшаб саёҳат ихлосмандларини, иш юзасидан келган турли давлат, турли миллат вакилларини эсон-омон етказиб келган ҳаво кемалари турна қатор терилиб турарди. Дунёда қанча миллат, элат бўлса ҳаммасини мана шу Истанбул аэропортида кўрдим десам ҳам бўлаверади.

Ҳамрохларим ўз ваъдаларида туриб мени йўналишим бўйича боришим керак бўлган йўлга кузатиб қўйдилар. Улар бўлмаганида мен бундай катта аэропортда йўлни топиб олишга қийналишим аниқ эди. Улардан жуда ҳам миннадорман. Бундай катта ва ўта ҳашамдор аэропортни кўриб ҳайратдан лол эдим. Аэропорт хақиқатан ҳам жуда чиройли , муҳташам қурилган эди.

Озарбайжонга учиб кетишумга ҳали саккиз соат вакт бор .Аэропортда бир соатга бепул (вайфай) интернетдан фойдаланса бўлар экан. Мен ҳам уланиб уйдагиларга ва мени саёҳатга юборган инсонларга соғ-саломат Истанбулга етиб келганимни айтдимда, аэропортни айланишга тушдим. Туркияning миллий таомлари десизми, ширинликлар-ю энг сара моллари барча –барчаси шу ерда эди. Ҳамма қулайликлари мужассам бўлган ушбу аэропортда ибодат қилиб олишингиз учун аёллар ва эркаклар масжиди ҳам бор экан.

Аэропорт ходимлари ҳам жуда маданиятли, хушмуомила эканлар. Улар берган саволларимга аниқ, тушунарли қилиб жавоб берардилар. Шунга амин бўлдимки, қайси хориж давлатига борсангиз, ўша ўлка инсонларининг маданияти, тарбиясини аэропортдан билиб олиш мумкин экан.

Аэропортни айланиб бўлгач бироз чарчаганимни ва қорним очиқканини ҳис қилдим. Она ватанимдан йўлга деб олган нарсаларимни сумкамдан олдимда бироз тамадди қилдим. Шу пайт ёнимда ўтирган европалик сайёҳ бир хоним “бу қандай егулик” дея қизиқди, кўлимдаги кулча нонга ишора қилиб. Мен унга сумкамдан кулча олиб узатдим. Хоним кулчадан татиб кўрар экан, кўзларини катта катта очиб менга қаради. Бундан мен бироз кўрқиб кетдим, ўйладимки, кулча унга ёқмади. Хоним нонни димоғига яқин олиб келиб тўйиб хидлади “умримда бундай муаттар исни туймаганман ва бунчалар мазали овқат емаганман” -деди ва унинг тайёрланиш рецептини сўради. Мен амаллаб унга тушунтиридим. Хоним узун рецсеп бўлса керак деб ўйлади чоғи, яхшилаб жойлашиб, сумкасини титкилаб ён дафтарчасини олиб сабрсизлик ва кучли ҳаяжон билан, мовий кўзларини катта -катта очиб, дикқат билан менга “тайёрман” дегандай қаради. Мен рецептни айтдим, хоним бўлса, боягиндан-да кўзларини катта очиб “шу холосми?” -дея ҳайратланиб менга қаради. Мен “ҳа, шу” дедим “туз, сув, ун шугина нарсадан шундай мазали таом тайёрласа бўладими?” - дея хоним янада таажжубланди. Ҳа, нонимизнинг иси ва таъмини бошқа хеч қаердан топиб бўлмайди. У истаган хориж таомларини ҳам ортда қолдира олади.

Шундай қилиб, ниҳоят мен кутган лаҳзалар яқинлашиб, Озарбайжонга учиш соатим яқинлашди. Кучли ҳаяжон билан экрандаги учиш рақами ёзилган йўлакчани кидиришга тушдим, йўл –йўлакай аэропорт ходимларидан сўраб-сўраб ва ниҳоят A16 йўлакчасини топиб бордим. Турнақатор навбат кутиб турган одамлар ортидан жой олиб, навбатимни кута бошладим. Навбат етиб келгач аэропорт ходими хужжатларимни кўздан кечира бошлади ва “ҳамаси жойида, фақат сиз турист экансиз, ҳозир пандемия, шу сабабли Озарбайжон давлати туристларга рухсат берганича йўқ ,бироз кутиб туринг, биз Озарбайжон билан боғланиб, хужжатларингизни юборамиз, рухсат берсалар кейин рўйхатдан ўтказамиз,”- деди. Бундан бироз ҳайрон бўлиб яна кута бошладим. Чамаси йигирма дақиқалардан сўнг аэропорт ходими ёнимга келиб рухсат берилмаганини айтди. Мен ҳеч нимани тушунмадим. “Нега ахир, ҳамма хужжатларим жойида-ку”- дея аэропорт хоимига ҳайрон қарадим. Кўзимдан ўзим истамаган холда ёш сизиб чиқа бошлади. Буни кўрган аэропорт ходими яна бир бор уриниб кўрди, аммо жавоб ўша бўлди. Мен энди росмана йиғлай бошладим, “ахир қанча кутгандим бу кунни ,қарийб ўн беш йилдан кўпроқ эди. Энди уйга қандай қайтаман? Мени саёҳатга юборган инсонларга боролмаганимни қандай айтаман? Бепул вайфайни ҳам ишлатиб бўлганман”. Шундай ўй –ҳаёллар бошимда чарх уради. Аэропорт ходимлари ва ҳатто учувчилари ҳам мени овутишга тушишди. Улар ўз телефонларидан вайфай улаб, яқинларим билан гаплашиб олишим мумкинлигини айтишди. Мен Шахинахон билан боғланиб, уларга вазиятни тушунтиридим. Улар ҳам нега бундай бўлганини тушунишолмай ҳайрон бўлишди. У менга аввало тинчланиб ўзимга

келиб олишимни ва албатта бир йўлини топишини айтди. “Илтимос, доим мен билан алоқада бўлиб туринг, интернетингиз ўчмасин,” –дэя қайта –қайта такрорлаб гўшакни кўйди. Афсуски, менга вайфай улаб бериб турган учувчиларнинг учиш вақтлари бўлиб қолди ва мендан узр сўраб телефонларини олиб кетишга мажбур бўлдилар. Мен эса нима қилишимни билолмай аста ортимга қайтдим. Ҳаёлим шунчалар паришон эдики, ҳатто йиглаб кетаётганимни ўзим ҳам сезмасдим. Қанча юрдим, билмайман, охири чарчаб, дуч келган ўриндиққа бориб ўтирдим. Бошим айланиб, ўриндиққа суюниб қолдим. Шунда аэропорт дўконларидан бирининг ходими ёнимга келди ва хол-ахвол сўраб сув узатди. Мен унга бўлган воқеани айтиб бердим. Китоб ёзишимни, бу саёҳатни менга китобларим орқали совға қилишганини ва мени саёҳатга юборган инсонлар билан интернет орқали боғланиб туришим кераклигини, хуллас ҳаммасини тушунтирудим. Шунда у ходим ўзини танишитирди.



“Bahadir Euvg “Longchamp” бу дўконда неча йиллардан бери ишлайман. Сиздек учолмай қолган инсонларни кўп кўрганман. Ҳавотир олманг яқинларингиз билан боғланиб туришингиз учун телефонимдан вайфай улаб бериб тураман. Бир соатдан кеин иш вақтим тугайди, аммо ҳавотир олманг, шеригим келади, унга ҳам тушунтириб кетаман, вайфай улаб бериб туради,” – деди ва мен яна Шахинахон билан боғландим. Ҳаёлимга келдик, дунёда шундай яхши инсонлар бор экан, меҳр-оқибат хеч қачон тугамайди. Улар бамисоли занжир ҳалқалари, бир-бирига уланиб ришталар ҳосил қилиб бораверади.

Соат миллари Туркия вақти билан ярим тун, яъни ўн икки бўлгагнида жаноб Bahadir Euvgnинг хамкасби келди ва улар смена алмашдилар.



Emre Basaelr бу инсон ҳам ҳеч бир эътиrozсиз интернет улаб берди. “Мусофири бўлмагунча мусулмон бўлмайсан” деган нақл жуда тўғри айтилган экан. Бу саёҳат менга жуда кўп нарсаларни тушуниб етишимда ёрдам берди.

Аэропорт шу қадар ёруғ эдики, хатто ярим тунлигини ҳам сезмайди киши. У ёқдан бу ёққа шошиб ўтаётган одамларни томоша қиласканман, ҳали бир кун бўлмасданоқ Ватанимни соғинганимни ҳис қилдим. Кўзларим яна ёшга тўлди. Буни кўриб Emre бейафанди менга иссиқ чой олиб келди ва “Хоним, бундай омад хаммага ҳам насиб этавермайди. Қанчадан-қанча инсонлар бу аэропортни бир кўришни орзу қиласди. Сиз омадли инсон экансиз, мана бир кеча аэропортда меҳмонимиз бўлябсиз”- дея кулди. Шунда бир оз ўзимга келдим. Emre бейафанди тўғри айтдилар, ахир мен кучли аёлман, ижодкорман бу менинг орзуим эди-ку, дея ўзимни қўлга олдим. Ўрнимдан туриб Emre бей афандига ўз миннатдорлигимни айтиб ҳайрлашдимда, Шахина тайинлаганидек жомадонимни олишга кетдим. Йўлимда учраган аэропорт ходимларидан у ерга қандай боришни сўрай- сўрай, назаримда, ярим соатдан мўлроқ йўл юрдим. “Сўраб – сўраб Маккани топишган ахир,наҳотки мен аэропортдан биттагина юкимни топиб ололмасам!” – дея ўзимга ўзим далда берардим. Ва ниҳоят юк олиш жойни топиб бордим. У ерга етиб борганимда соат миллари Туркия соати билан тонги тўртга бонг урди. Текширувлардан ўтиб, хужжатимга Истанбулга кирди деган штамп урилганида ҳам мен Истанбулда қоламан, бу ерда ҳаётимдаги унutilмас саёҳатимни бошимдан кечираман -деб сира ўйламадим. Фикр-у ҳаёлимда фақат бир нарса –тезроқ тонг отса-ю, юртимга Ўзбекистонга қайтсам, дердим холос. Бундан бошқа нарсани ўйлаёлмасдим.

Чарчоқдан кўзларим юмилиб, оёғларим ўзимга бўйсунмай, юришдан тўхтади. Бироз хордиқ олиш учун бўш ўриндиқлардан бирига бориб ўтирдим. Бир муддат одамларни кузатдим. Улар орасида ўзбеклар учраб қолармикан деган умидда эдим.

Ҳар хил давлатлардан саёҳат қилиш учун келган ва кетаётган инсонларни кузатар эканман, дини, ирқидан қатъий назар инсонларда юрак уриши ва болаларнинг кулгуси, йифиси, беғуборлиги айнан бир хил бўлишига амин бўлдим. Фарзандларим кўз олдимга келиб, уларни соғинганимни ҳис қилдим. Чигал ҳаёлларимни жуда чиройли ўқилган аzon овози тумандек тарқатиб юборди. Истанбулда эшитган биринчи азон овози юртимда ҳар куни эштиладиган аzon овозига жуда ўхшар эди. Яна кўзларимга ёш келди.

Аэрапорт ходимлари илтимосимни ерда қолдирмай яна менга интернет боғлаб беришди. Она юртимга қайтиб олишим мен ўйлагандан анча қийин бўлди. Вақт тушликка яқинлашиб қолди ҳамки белетни олдинга суришни иложиси бўлмасди. Шунда Шахина менга “Соҳиба опа, келинг Истанбулда саёхатингизни ўтказамиз, нима дейсиз”- деб қолди. Мен буни бироз истамайгина ўйга толдим. Шунда Шахина “Соҳиба опа, йўқ деманг илтимос, ахир қанча инсонлар Босфор кўприги олдида бир финжон қаҳва ичишни орзу қилишади ” –дея кулди. Шунда мен ўзимни қўлга олдим. Шахина ҳақ эди, бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди ахир. Ўйдагилар билан боғландим, улар рухсат беришди ва бу қарор ҳаётимдаги энг тўғри қарор бўлганига Истанбулни айланиб юрганимда амин бўлдим. Орадан бир соатга яқин вақт ўтгач, Шахина менга “сизни учинчи эшикда меҳмонхона ходими кутиб олади,”- деди. Мен меҳмонхона ходими билан Havais автобусида кетар эканман, сершовқин, аммо бетакрор Истанбул кўчаларини кўриб ҳайратланардим. Гўёки бошқа бир оламга тушиб қолгандек эдим. Айнқса Босфор кўпригидан ўтаётганимда чексиз денгизни кўриб кўзларимга ишонмасдим. Ўша пайтдаги ичимдан ўтган ҳис-ҳаяжонни тасвирлаб беришим жуда қийин. Истанбулда ўтган ўн кунлик саёҳатим менга бир умрлик унутилмас хотиралар берди. Ҳар бир бориб кўрган тарихий ва замонавий ёдгорликларим, турк қаҳваси-ю, шириналарини менда олам –олам таасссуротлар қолдирди. Илмнинг нурли йўли поёнсиз. Унинг жуда ҳам тоза, беғубор ва ҳалол йўлидан шахдам қадамлар билан юриб бораётган бўлсангиз, ишонинг, у сизни манзилингизга бехато етказади. Илм йўли сизга фақат ва факат зиёли инсонлар билан учрашиб, ўша олам ичida яшашдек баҳтга муяссар қилар экан. Сўзимнинг исботи сифатида шуни айтмоқчиманки. Истанбулдан қайтганимдан сўнг севимли шоиримиз филалогия фанлари доктори, профессор Сиддиқ Мўмин ва филология фанлари номзоди, доцент Набижон Солиев устозларимиз билан таниш ва сухбатлашиш баҳтига муяссар бўлдим. Хурматли устозимиз Набижон Солиев менга бирга китоб ёзишни таклиф қилдилар. Менга бўлган бу ишончдан бошим осмонга етди. Мен ўйлайманки ва ишонаманки бу икки устозлар билан ҳали кўп ижодий ҳамкорликлар қиламиз. Ҳар бир ижодкорнинг ўз ижод сўқмоқлари бор. Мен ҳам орзу ва яхши ният қиламанки, менинг ҳам ушбу ижод аҳли сўқмоқларида заррагина изим қолса, дунёда шунчаки яшаб ўтмаган бўлар эдим. Йиллар ўтса-да, кул тагидан милтиллаб ўчиб-ёниб турган чўғ мисоли орзуларим умид ила менга боққанида, ҳар сафар уларга қараганимда, бироз ҳафа бўлиб, раҳмим келарди. Тўғри, у томон қадам ташлашим осон бўлмади албатта. Вақтни тўғри тақсимлаш, режа асосида иш қилиш, булар менга жуда аскотди. Мен орзуларимни ноумид қўймадим буни қисман бўлсада уddaладим деб ўйлайман ва изланишда давом этиб, қолган “Орзу бекат”ларимга ҳам бирин-кетин албатта етиб бораман деган умиддаман. Ҳаётда яшаш – очик дengизда сузишга ўхшайди. Ҳаракат қилишдан тўхтадингми чўкиб кетасан. Мен зиё улашишни олдимга мақсад қилиб қўйдим ва бунинг учун ҳали жуда кўп ўқиб-ўрганишим керак. Тўғри, илм ўрганишнинг сарҳади йўқ. Шу пайтгача илмнинг ҳеч ким поёнига ета олмаган. Ҳаётий фалсафамнинг бир холосаси шу бўлдики, инсон -бу дунёда шунчаки яшаб ўтмаслиги керак. Мен Оллоҳ берган шунча неъматларни қадрлаб, улар билан яхши амаллар қилмай, ўзимдан яхши из ва ном қолдирмай яшашни “яшадим” деб айта ололмайман.

Менга мана шундай унутилмас онларни совға қилган барча –барча инсонларга ўз миннадорчилигимни изҳор қиласман.

Хурмат билан Мехрибон!

